БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Рахматуллаева Гулнозахон Мавланжановна

АДУ фуқаролик жамият

кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: *Ушбу мақолада Бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-маърифий фаолият сифатларини шакллантиришда ва ривожлантириш омиллари бериб ўтилган. Дунёнинг тақдирини бугун эзгу ниятли, маърифатли инсонлар ҳал қилади. "Дунёни инсон қалбининг гўзаллиги, яъни маънавияти қутқаради" деган фикрни айтса ўринли бўлади.*

Таянч сўзлар: *Ижтимоий тармоқ, оммавий маданият, коррупция, маданият, маърифат, Инновация.*

ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ ДУХОВНО-ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БУДУЩИХ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ

Рахматуллаева Гулнозахон Мавланжановна-

гражданское общество АГУ

преподаватель кафедры

Аннотации: *В статье рассматриваются факторы формирования и развития качеств духовно-воспитательной деятельности будущих учителей. Судьбу мира сегодня решают благонамеренные, просвещенные люди. Уместно сказать, что «мир спасает красота человеческой души, то есть духовность».*

Ключевые слова: *Социальные сети, популярная культура, коррупция, культура, просвещение, инновации.*

Бугунги кунда, фан-техниканинг жадал тараққиёти шароитида ҳар бир давлат ўзининг истиқбол режаларини белгилар екан, келажакда ушбу режаларни амалга оширувчи ёш авлодни қобилиятларини ривожлантиришга, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга, маъанавиятини, умуминсоний маданиятини бойитишга алоҳида эътибор бериши давр талабидир.Шу сабабли

мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Инсоният тараққиётининг асрлар синовидан ўтган қатъий қонуниятлари ва талаблари бор. Ҳар қандай тараққиётнинг асоси ахлоқдир. Ҳар қандай таназзулнинг сабаби эса ахлоқсизлик, маънавий қадриятларнинг унутилиши ва оёқ-ости қилинишидир. Ахлоқий меъёрлар, маънавий чегаралар, инсон хатти-ҳаракатини тартибга солиб турадиган талаблар бузилган, унинг ўрнида чексиз эркинлик берилган жойда парокандалик юзага келаверади.

Бугунги кунда таълим тизимининг ҳар бир бўғинида таълим муассасаларини ривожлантириш стратегиялари ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилаётган бир даврда интеллектуал жиҳатдан рақобатбардош кадрларни етиштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонда белгиланган устувор йўналишлардан бири сифатида “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” масаласи назарда тутилган. Давлатимиз раҳбари томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқди. Шунингдек, бу соҳаларни ўз ичига олган 5 та ташаббусни амалиётга жорий этиш масалалари бўйича президетимиз маърузалари бўйича барча чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Жорий 2021 йилда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш” йили деб эълон қилиниши эса педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тузилиш ва мазмун жиҳатидан ислоҳ қилиш мақсадида соҳада кенг қамровли ишлар амалга оширилиши режалаштирилган. Бу борада 2021 йил давлат дастурида хам бир қатор масалаларга тўхтаб ўтилди. Жумладан, ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини ривожлантиришда илғор

педагогик технологиялар, инновацияларни таълим жараёнига тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инновацион ёндашувлар ташаббус ва янгиликлар асосида таркиб топади, таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлиб, тизимнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи-назардан таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, таълим муассасаларида ўқитиш сифатини яхшилаш, ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади. “Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”, – деди давлатимиз раҳбари. Шу маънода, тана ҳеч қачон жон ва руҳсиз бир бутун бўлолмаганидек, маънавиятсиз, таълим-тарбиясиз ҳам иқтисодий ривожланишга эришиб бўлмайди. Мустақил теран фикрга эга, ўтмишга юксак эътиқоди бор миллатгина эзгулик, тараққиёт йўлида ғоялари муштарак ҳолда ривожлана олади. Маънавий бирлашуви билан юксалган халқни эса ҳеч қандай ёт ғоя ўз домига торта олмайди, йўлидан оғдиролмайди. Тарбияда танаффус бўлмаслиги керак. Оила, боғча, мактаб, олий таълимда бу жараён бир-бирини тўлдирган ҳолда, уйғунликда давом этиши лозим. Ана ўшанда кучли маънавиятга эга, дунёқараши кенг, билимли авлодни тарбиялай оламиз. Албатта, фарзандлар тарбиясида жамият, маҳалла ёки мактаб эмас, энг аввало ота-она масъул. Яъни, ҳар бир ота-она ўз фарзанди учун жавобгар бўлиши, масъулиятни ҳис қилиши мақсадга мувофиқ”[1]. Хусусан, маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизим мавжуд эмас, халқимиз, айниқса, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаяпти, ушбу йўналишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий секторнинг ижтимоий ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилмаган[2]. Мазкур қарор ўз аҳамиятига кўра, маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтарадиган тарихий ҳужжат бўлди. Зиёлиман, деган одамнинг

[1]Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январь маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бўйича видеоселектор, Халқ сўзи газетаси, 2021 йил 20 январь, № 13 (7793)

[2]Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Халқ сўзи газетаси, 2021 йил 27 март, № 62 (7842)

кўкси фахрдан қалқди, масъулиятдан хушёр бўлди, имкониятдан фойдаланиш учун чоғланди, қўлига қалам олди. маънавий-маърифий ишлар давлатимиз сиёсатида янада юксак ўринларга чиқди. Айниқса, Республика маънавият ва маърифат кенгаши раислигини муҳтарам Президентимиз ўз зиммаларига олганининг ўзиёқ, маънавият масаласи нечоғли муҳим ва долзарб аҳамият касб этаётганидан даракдир. Турли мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда маънавий-маърифий тарғибот ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, айниқса ёшларимизда дахлдорлик ҳиссини ошириш, уларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, тинч ва осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган турли тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси соҳадаги ишларни шакл ва мазмун жиҳатдан қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда. Бир пайтлар аскари кўплиги билан фахрланадиган давлатлар, энди фидойи, ватанпарвар фуқаролари билан катта натижаларга эришиш лозимлигини англадилар ва шуни ҳаракатига тушдилар. Дунёнинг тақдирини бугун эзгу ниятли, маърифатли инсонлар ҳал қилади. “Дунёни инсон қалбининг гўзаллиги, яъни маънавияти қутқаради”, деб айтилган фикр етарлидир. Чунки**.** маънавият – бу инсоннинг қалби ва онгидаги туйғу ва тушунчалар, унинг дунёқараши ва эътиқоди, ўз халқи ва Ватанига муҳаббати, ўзлигини, қандай буюк аждодларнинг ҳақли меросхўри эканини чуқур англаш ва ҳар қандай шароитда ҳам уларнинг шаъну шавкатига муносиб фарзанд бўлиш, демакдир. Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг фикрича, покиза хулқ-атвор, гўзал ахлоқ-одоб, ҳалоллик, илоҳий маърифат-комил инсонлик даражасига етиш манбаидир. Комил инсонларгина миллатнинг ёрқин кўзгуси бўлиши мумкин. Фақат маънавиятли ва маърифатли инсонларгина халқ ва давлат манфаати, равнақи йўлида меҳнат қилишга қодирдирлар. Машҳур Шарқ мутафаккири Шайх Азизиддин Насафий комил инсон фазилатлари ҳақида гапириб, унинг юксак ахлоқли, ўзини англаган, дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган маънавиятли ва маърифатли бўлиши зарурлигини айтади: “Билгилки, Комил инсон деб, шариат, тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга нисбатан

айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга еткан бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф”[3].

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Давлатимиз раҳбари яқинда бўлиб ўтган йиғилишда қалбларимизни уйғотувчи бир фикрни айтдилар: “Буюк аждодларимиз ўзларининг илмий ва ижодий кашфиётлари билан дунёга устозлик қилишган. Бошқаларга эргашмаган, балки бошқаларни ўз ортидан эргаштирган. Биз ҳам эргашувчи эмас, эргаштирувчи кучга эга халқ бўлишимиз шарт. Акс ҳолда, тараққиёт йўлидан чеккага чиқиб, яна таназзул ботқоғига ботамиз. Ота-боболаримиз эришган марраларни осонгина бой бериб қўямиз. Бу аждодлар руҳига, келажак авлодларимизга хиёнат эмасми? Бу соҳада бугун шошилинч чоралар кўрмасак, эртага кеч бўлади.”[4].

Бу эргаштиришга муносиблик замирида аввало илму маърифат, гўзал ахлоқ, адолат, халпарварлик, одамийликда собитлик туради. Эзгулик йўлида дунё жаҳолатга эмас, маърифатга эргашади. Дунё разолатга эмас, адолатга эргашади. Дунё адовату нафратга эмас, меҳру муҳаббатга эргашади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш–юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.–Тошкент:
Ўзбекистон НМИУ, 2017.– 48 б.

2. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб.-Тошкент: Ёзувчи, 1996, 147-бет.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19-январь маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор, Халқ сўзи газетаси, 2021 йил 20 январь, № 13 (7793)

[3] Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб.-Тошкент: Ёзувчи, 1996, 147-бет.
[4] https://xs.uz/.25.08.2020 йил